# Шартнома № 36/2022
**(Смета хужжатларини бажаришга доир)**

**Андижон шаҳри** **2022 йил "18" май**

Андижон вилоят Булокбоши туман хокимлиги **"Ободонлаштириш бошкармаси"** Низоми асосида иш юритувчи, компания раҳбари **Х.Казаков** бир томондан кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** - деб юритилувчи ва **«ANDIJON AYBIL » Хусусий корхонаси** номидан жамият Низоми асосида иш юритувчи директори **П.Умаров** иккинчи томондан кейинги ўринларда **«Бажарувчи»** деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

## I. Шартнома мазмуни.

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги иншоот қурилиш ишларининг смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

**Иншоот номи :**

**Андижон вилояти Булокбоши тумани Учкуча МФЙ Хамрох кучасини кучасини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш ишлари.**

1.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартноманинг баҳоси.

2.1. Бажариладиган ишларнинг умумий киймати лойиха-смета ишларига ўтказилган биржа танловларнинг **2022 йил 29 апрелдаги № 80413-сонли ЛОТ** га асосан **2022 йил 12 майдаги** танлов комиссиясининг **№ 20318 - сонли баённомаси** билан **16 167 000 (Ун олти миллион бир юз олтмиш етти минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг умумий қиймати ўзгарганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

## III. Тўлов шартлари.

3.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан бўнак (аванс) ўтказади, **бу 4 850 100 (Турт миллион саккиз юз эллик минг бир юз) сўмни** ташкил этади. Қолган тўлов 70 % **11 316 900 (Ун бир миллион уч юз ун олти минг туккиз юз) сўмни** бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг амалга оширилади.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун туловни буюртмачи давлат бюджетидан маблаг ажратилганидан сунг амалга оширилади

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари.

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган хужжатлари ( лойихалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил 28.05 кунига ишларни тўлиқ Буюртмачига топширади;
- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;
- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;
- Ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;
- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур хужжатларни тақдим этади;
- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;
- бажарувчи томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;
- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

## V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойихалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш – топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4.Буюртмачи хисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг,

10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.6. Бажарилаётган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.

5.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни даво эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи бажарувчига ҳақ тўлайди.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.

6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг суммаси кечиктирилган сумма умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз хисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

## VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби.

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал этолмасалар, низо қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

## IX. Бошқа шартлар

9.1. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.

9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2 нусхада** тузилди.

9.4. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» томонидан тасдиқланиб Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## X. Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари.

| БУЮРТМАЧИ | БАЖАРУВЧИ |
|---|---|
| Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси | «ANDIJON AYBIL » Хусусий корхонаси |
| Булокбоши туман Рохатбахш кучаси | Андижон ш. А. Фитрат кучаси 4 |
| Тошкент ш. Марказийбанк Тошкент Х.К.К.М | Андижон ш. «Асака»АТ банки Андижон вилоят филиали. |
| Газна Х/В: 23402000300100001010 | х/р 202 080 008 047 200 660 02 |
| МФО: 00014; ИНН:201122919 | МФО: 00069; ИНН: 300883437 |
| ШХВ: 401722860032107065200110007 | ОКЭД:71110 |
| Булокбоши туман буйича Газначилик булинмаси | Тел: (8 595) 200- 97 -39 |
| ИНН: 204484309 МФО: 00014 ОКОНХ:90290 | |
| Рахбар: Х.Казаков | Директор: П.Умаров |
| М.Ў. | |

2022 йил 18.05

36/2022 - сонли шартнома

Шартнома бахосини келишуви

## БАЁННОМАСИ

Биз куйида имзо чекувчилар Низом асосида иш юритувчи **«ANDIJON AYBIL » Хусусий корхонаси** Бундан буён матнда **«Бажарувчи»** деб номланувчи номидан жамият рахбари **П.Умаров** бир томонда Булокбоши тумани **Ободонлаштириш** бошкармаси бошлиги **Х.Казаков** 2022 йил 36/2022-сонли шартнома бахосини келишилганлигини тасдиклаймиз, Ушбу Баённома Буюртмачи ва Бажарувчи уртасида узаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

Баённомадаги келишилган нарх очик хисобланиб, кушимча ишлар пайдо булганда кушимча шартнома тузилади.

Топширилаётган смета хужжатларини бажарилган ишларга нисбатан узгариши мумкин ва кайта хисобланади.

| № | Автомобил йўлининг Номи | Узунлиги, км | қиймати жорий нархда минг сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | **Андижон вилояти Булокбоши тумани Учкуча МФЙ Хамрох кучасини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш ишлари.** | | 16 167,0 |
| | Жами: | | 16 167,0 |

Шартноманинг умумий киймати **16 167 000 (Ун олти миллион бир юз олтмиш етти минг)** сўм

| БУЮРТМАЧИ | БАЖАРУВЧИ |
|---|---|
| Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси | «ANDIJON AYBIL » Хусусий корхонаси |
| Булокбоши туман Рохатбахш кучаси | Андижон ш. А. Фитрат кучаси 4 |
| Тошкент ш. Марказийбанк Тошкент Х.К.К.М | Андижон ш. «Асака»АТ банки Андижон вилоят филиали. |
| Газна Х/В: 23402000300100001010 | х/р 202 080 008 047 200 660 02 |
| МФО: 00014; ИНН:201122919 | МФО: 00069; ИНН: 300883437 |
| ШХВ: 401722860032107065200110007 | ОКЭД:71110 |
| Булокбоши туман буйича Газначилик булинмаси | Тел: (+ 593 ) 200- 97 -39 |
| ИНН: 204484309 МФО: 00014 ОКОНХ:90290 | |
| Рахбар: Х.Казаков | Директор: П.Умаров |
| М.У. | |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA № SS0457473151

1. Loyihaning turi

**shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Xizmat ko‘rsatish xaqida shartnoma.**

Buloqboshi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi rahbari X.Kazakov (kelgusida «Buyurtmachi» deb nomlanuvchi), ikkinchi tomon “ANDIJON AYBIL” xususiy korxonasi nomidan ish yurituvchi direktori P.Umarov kelgusida “Bajaruvchi” deb nomlanadi, “Bajaruvchi” “Buyurtmachi” taqdim qilgan yozma buyurtmasiga muvofiq qurilish ishlarining smeta xujjatlarini tayyorlash ishlarini bajarishni o‘z zimmasiga oladi, “Buyurtmachi” ko‘rsatilgan xizmatlar uchun belgilangan tartibda to‘lovlarni amalga oshirish xaqida shartnoma tuzilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

**Buloqboshi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 16.05.2022 yil**

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunchiligi talablariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil “18” may.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**

**Sh.Abduraximov**